

## ФАРГОНАДА “ЭЗГУЛИК МАНЗИЛИ” ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан Фарғона ҳамда Кўқон шаҳрида ташкил этилган мазкур тадбир 14 августдан 20 августга қадар давом этиши белгиланган.

Мақсад вилоятда яшовчи эҳтиёжманд, кам таъминланган, шароити оғир оиласлардаги бемор болаларга консультатив ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, жамғарманинг тиббий дастурларига асосан оғир ташхисли бемор болаларни даволаш, бепул доридармон воситалари билан таъминлаш, уларнинг саломатлигини мунтазам тиклаш, жарроҳлик йўли билан даволанишга муҳтоҷ бўлган бемор болаларда мураккаб операция амалиётларини ўтказишдан иборат.

Бу акцияга Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг тажрибали ёш шифокорлари жамоаси жалб этилган.

“Акция доирасида 400 нафарга яқин бемор болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларга юқори малакали мутахассислар томонидан пластик хирургия, кардиохирургия, офтальмология, отоларингология, ортопедия, травматология йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган тиббий текширув ва маслаҳатлар берилди. Ўтказилган тиббий кўриклар натижасида жами 53 нафар бемор болалар операция ўтказиш учун ажратиб олиниб, шу ернинг ўзида жарроҳлик амалиётлари ўтказилади”, - дейди вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Шаҳобиддин Кўчқоров.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-17 10:35:35